O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2005-yil ● 10-sentabr ● Shanba ● 116 (27.451) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Маҳсулот ўзимизники — Ўзбекистонники

МАРМАР КОНИДА ЯНГИ ИШЧИ ЎРИНЛАРИ

Абдурасул ПАРДА олган суратлар

Икки юз нафарга яқин ишчи-хизматчилар фаолият кўрсатаётган «Қашқадарёмармар» масъулияти чекланган жамиятда бугунги кунда ўнга яқин турдаги мармар маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Жамият жамоаси маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш ва уларни жаҳон андозалари даражасида тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки орқали Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкидан 2179720 АҚШ доллари миқдорида кредит олди. Кейин Италиянинг «Tema Fruqoiil» ва «Texno Granit» фирмаларидан мармар харсанглари қазиб олиш ва уни қайта ишлаш ускуналари олиб келинди.

Биргина ўтган — 2004 йилда бу ерда мармар плита ишлаб чиқариш — 47343 квадрат метр, мармар харсанглар эса 2600 куб метр бўлган бўлса, мармар крошка ишлаб чиқариш 5240 тоннани ташкил этди. Бу йил мазкур кўрсаткичлар бир ярим баробар ошиши кутилмоқда. Айни чоғда янги ишчи ўринлари яратилмоқда. Бу эса ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

✧✧✧

Суратларда: *корхона тасарруфидаги «Томчи ота» конидан бир кўриниш; оператор Саъдулла Абдуллаев иш устида; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан нумуналар.*

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 9 СЕНТЯБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ (ЕИ) МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА МАХСУС ВАКИЛИ ЯН КУБИШНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар 1996 йили Италиянинг Флоренция шаҳрида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга асосланади. Бугунги кунда ЕИ Ўзбекистонни ўзининг Марказий Осиёдаги муҳим шериги деб билади.

Европа Иттифоқи халқаро ҳамжамиятни ташвишга солиб турган таҳдидларни бартараф этишда ҳамжиҳатлик муҳимлигини эътиборга олиб, террорчилик ва экстремизмга, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашда, шунингдек, чегара ва божхона хизматларининг фаолиятини такомиллаштиришда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Ҳозир ЕИнинг тегишли хизматлари «Ҳизб-ут-Таҳрир»ни халқаро террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон таклифини ўрганиб чиқмоқда.

Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш икки томон учун ҳамиша устувор аҳамиятга эга. 2004 йили ўзаро савдо ҳажми 10,6 фоиз ўсиб, 1 миллиард 429 миллион АҚШ долларини ташкил этган. 2005 йилнинг январь-июль ойларидаги кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан салкам 8 фоиз ошган.

Таъкидлаш жоизки, кўрсаткичлар йилдан-йил ортаётганига қарамай, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами имкониятлар даражасида, деб бўлмайди. Мутахассислар буни бир неча сабаб билан изоҳлашади. Хусусан, Европа маҳсулотларининг рақобатбардошлиги пасайиб бормоқда, уларни Марказий Осиёга экспорт қилишни рағбатлантирувчи молиявий механизмлар тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Мана шу сиёсий ва иқтисодий омилларни инобатга олиб, Европа Иттифоқи Марказий Осиё бўйича махсус вакил лавозимини таъсис этди. Бу лавозимга узоқ йиллар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби вазифасида ишлаган, Марказий Осиё минтақасини, бу ердаги муҳит ва шароитни яхши биладиган тажрибали сиёсатчи ва дипломат Ян Кубиш тайинланди.

Учрашувда Я.Кубишнинг махсус вакил этиб тайинланиши Европа Иттифоқи билан Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Меҳмон самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВАКИЛИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Европа Иттифоқининг (ЕИ) Марказий Осиё бўйича махсус вакили Ян Кубиш раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — ЕИ муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболи хусусида сўз борди. Томонлар парламентлараро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжуд эканини қайд этиб, истиқболда бу йўналишдаги ҳамкорликни янада жадаллаштириш, Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги алоқалар ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан ҳам фикрлашиб олдилар.

(ЎзА)

ЎзХДП УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ, СИЗНИНГ ПОЗИЦИЯНГИЗ ҚАНДАЙ?

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ УСТУВОР БЎЛГАНДА...

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича илк ҳужжатлар қабул қилинганига ўн йилдан ошди. Орадан ўтган йиллар давомида ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича низомлар ишлаб чиқилди ва шу асосда иш олиб борилди. Ҳақиқатни айтсак, бугун ушбу Низомга кўпгина ўзгартиришлар киритиш зарурияти туғилган. Чунки Низомда белгилаб қўйилганига кўра уйида автоулови, мотоцикли ва телевизори бўлганлар кам таъминланган оила тоифасига кирмайди ва уларга ижтимоий нафақалар тайинланмайди. Автоулови бўлса киракашлик қилиб қўшимча даромад топиши мумкин эмиш. «Запорожец», «Москвич», «Жигули» русумли машиналар ҳам ва ўзимизда ишлаб чиқарилаётган энг замонавий русумдаги машиналар ҳам автоулов ҳисобланади. Маълумки, бугунги кунда кўпроқ фақат янги русумдаги машиналардагина киракашлик қилиш мумкин.

Оиласида телевизори бўлмаган хонадон бормикан? Бу ахир оддий эҳтиёж-ку! Ёки яна бир масала. Моддий ёрдамга муҳтож оила ўз даромадлари тўғрисида маълумотларни тақдим қилганда одатда иш жойидаги ойлик маоши ва бошқа даромадлар ҳисобга олинади. Маълумотномада солиқлар инобатга олинмаган ҳолда фақат ойлик маош миқдори кўрсатилади. Натижада оиланинг даромад қисми кўпайиб кетиб, аризага рад жавоби берилади.

Олинган маълумотларга қараганда, ўтган йили вилоятимиздаги 322546 оиланинг 43997 таси моддий ёрдамга муҳтожлиги аниқланган ва улардан 18663 тасига моддий ёрдам белгиланган.

Жорий йилнинг ўтган давридаги кўрсаткичлар ҳам шундай. Яъни моддий ёрдамга муҳтож оилаларнинг учдан бирига ижтимоий нафақа тайин қилинган, холос.

Энг қизиғи, жойлардаги молия идоралари ҳар чоракда қайси фуқаролар йиғинига қанча миқдорда ижтимоий нафақалар тайинлаш керaклиги бўйича топшириқ, янада тўғриғоғи, «разнарядка» беришади. Оқсоқоллар эса шу кўрсатмадан чиқа олишмайди.

Партиямиз ўз олдига ижтимоий сиёсатни устувор вазифа қилиб қўйган. Аҳолининг кам даромадли қисмини ҳимоялаш борасида муҳим қонунлар қабул қилиниши учун парламентда курашиш ва мақсадга эришиш учун жойлардаги кўп сонли партия аъзоларининг фаоллигини ошириш бирламчи муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Биз ана шу устувор йўналишларни ҳаётга тўла татбиқ қилсаккина ўзимизнинг муҳолифатдаги партия эканлигимизни амалда кўрсатиб, халқ олдидаги бурчимизни бажарган бўламиз.

Партиямизнинг ушбу сиёсий йўли — позициясини барча сафдошларимиз қўллаб-қувватламоқда. Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида аллақачон омма орасида кенг тарғибот ишлари бошлаб юборилган.

Раймберган СОБУРОВ,
ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИРОДАРИМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табрик ва эзгу истакларни изҳор этишдан бағоят хурсандман. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тараққиёт ва равнақ тилайман.

Ушбу шодиёна кун муносабати ила қардош мамлакатларимиз ва халқларимизни боғлаб турувчи дўстона алоқалар мавжудлигини таъкидлашдан хурсандман.

Юксак ҳурмат ва эҳтиром ила,
Биродарингиз,

Абдулла бин Абдулазиз Ол САУД,
Икки муқаддас масжид ходими,
Саудия Арабистони Подшоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Президент Жаноби Олийлари,

Афғонистон халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларини ва дўст Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий муборакбод этиб, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Афғонистон халқи мамлакатларимиз ўртасида мавжуд алоқаларнинг янада ривожланишидан ўта манфаатдор. Шубҳасиз, давлатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ва ўзаро фойдали ҳамкорлик мамлакатларимиз ва минтақа халқларининг манфаатларига хизмат қилади.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, улкан муваффақиятлар, дўст ва биродар Ўзбекистон халқига саодат ва равнақ тилаб қоламан.

Ҳомед КАРЗАЙ,
Афғонистон Ислом Республикаси Президенти

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг кириб келган мустақиллик байрами билан Сиз, Жаноби Олийлари ҳамда Ўзбекистоннинг буюк халқини табриклайман.

Илдизлари икки халқ ўртасидаги азалий маданий ва тарихий ришталарга бориб етадиган мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ва яқин муносабатлар бундан буён ҳам ўзаро саъй-ҳаракат ва уринишлар туфайли барча соҳаларда икки баробар кенгайишига ишонаман. Мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалар, айниқса иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик лойиҳаларининг амалга оширилиши уларни бир-бирига боғлаб турувчи қадимий ришталарни мустаҳкамлайди ҳамда минтақанинг бошқа халқларини ҳам ушбу ҳамкорликнинг ижобий ва қимматли самараларидан баҳраманд этади, деб умид қиламан.

Ёлғиз Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва муваффақият ҳамда Ўзбекистон ҳукумати ва халқига бахт-саодат ва равнақ тилаб қоламан.

Маҳмуд АҲМАДИЙНЕЖОД,
Эрон Ислом Республикаси Президенти

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами арафасида турли соҳаларда фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган бир гуруҳ юртдошларимизга муҳтарам Президентимизнинг Фармони билан мамлакатимизнинг олий мукофотлари берилди. Улар орасида «Нуроний» жамғармасининг олти нафар вакиллари борлигидан бошимиз осмонга етди. Бу — мустақил давлатимизда кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан, уларнинг кўп йиллик меҳнатлари муносиб қадрланаётганидан далолатдир.

«Олтмишга киргандан ақл сўра», «Етмишга етганнинг етови Аллоҳ», дейди халқимиз. Дарҳақиқат, табаррук ёшга етиб ҳам юрт равнақи йўлида хизмат қилаётган, ўзининг инсоний фазилатлари билан элимизга ибрат отахону онахонларнинг ғайрат-шижоатига таҳсин айтса арзийди. Улар орасида боғ яратаётган, тадбиркорлик билан шуғулланаётганлари жуда кўп. Хуллас, «Нуроний» жамғармасининг вилоят, туман, шаҳар бўлимлари, маҳаллалардаги жамоатчилик марказлари атрофида уюшган бой ҳаёт тажрибасига эга улуғларимиз бугун кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликларга жавобан, юртимизнинг юксалишига баҳоли-қудрат ўз ҳиссаларини қўшишга аҳд қилишган. Айниқса, кексаларимиз ўзларининг доно ўгитлари, маслаҳатлари билан ёшларимизга мадад бўлаётгани эътиборга лойиқдир.

Бугун шундай қувончли кунларда муҳтарам Юртбошимизга барча нуронийлар номидан чексиз миннатдорчилик изҳор қилиб, «Нуроний» жамғармаси фаоллари сафида ҳамиша юрт ишига камарбаста эканлигимизни билдираётганимдан фахрланаман.

Бекпўлат ЭШПЎЛАТОВ,
«Нуроний» жамғармаси Арнасой туман бўлими раиси,
«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«РАҲБАРНИНГ МАН-МАНЛИГИ»

Газетамизнинг 2005 йил 19 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола чоп этилган эди. Унда учкўприклик бир тадбиркор бундан ўн йил бурун туман матлубот ҳиссадорлик жамиятига қарашли савдо марказини хусусий мулк қилиб сотиб олган бўлса-да, унинг атрофидаги ерлар ҳамон турли важлар билан ўлчаб берилмаётганлиги танқид қилинган эди.

Мазкур мақолага Фарғона вилоят ҳокимлигидан жавоб хати келди. Унда жумладан шундай дейилган:

«Раҳбарнинг ман-манлиги» сарлавҳали мақолани текшириш юзасидан Фарғона вилояти ҳокимлиги котибият мудири Р.Мусаев бошчилигида тегишли мутахассислардан иборат комиссия ташкил этилиб, жойида ўрганиб чиқилди.

Комиссиянинг ўрганиши натижасида қуйидагилар аниқланди. Мақолада номи зикр этилган Учкўприк туманидаги «Тошкентли гузар» маҳалласида истиқомат қилувчи Пўлатхўжа Турсунхўжаев мақолада кўрсатилган муаммолар ҳақида муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, Фарғона вилоят ҳокимлиги ва бошқа назорат идораларига бир неча бор мурожаат қилган.

Бу ваколатли органлар томонидан шикоятчи аризаси текширилиб, тегишли жавоблар берилган, фикрлар билдирилган.

«Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган «Раҳбарнинг ман-манлиги» сарлавҳали мақола юзасидан ўтказилган текширишлар ҳақида қуйидагиларни маълум қиламиз.

Фуқаро Насимахон Турсунхўжаева 1995 йил 28 июндаги 5738-сонли Давлат ордерига асосан Учкўприк тумани «Янгиобод» қишлоғидаги «Нилуфар» савдо маркази биносини сотиб олганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» 22-моддасининг «Ер участкасининг эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида»ги бандига асосан Учкўприк туман ҳокимининг 2001 йил 25 майдаги 213-сонли қарори билан «Нилуфар» савдо маркази биноси эгаллаб турган 0,32 га. ер майдони Турсунхўжаева Насимахон номига фойдаланиш учун бириктириб берилган. Турсунхўжаева Насимахон розилиги билан фойдаланиш имконияти бўлмаган 476 кв.м ер майдони М.Деҳқонов номли ширкат хўжалиги балансига қайтарилган эди. Туман ҳокимининг 2005 йил 29 июлдаги 233-сонли қарорига асосан бу ер майдони Фиждон ариғи муҳофаза зонаси ҳисобланганлиги сабабли вақтинча «Нилуфар» савдо маркази ихтиёрига фойдаланиш учун рухсат берилди.

Мақолада ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан «Нилуфар» савдо марказига тегишли бўлган 1200 п.м. иситиш трубалари рухсатсиз кесилганлиги ҳамда ширкат хўжалиги эҳтиёжлари учун ишлатиб юборилганлиги қайд этиб ўтилган. Текшириш давомида иситиш трубалари ҳақиқатда 186 п.м. эканлиги ва трубалар хўжалик маъмурий биносини иситиш учун ишлатилганлиги аниқланди. Бу ишлар А.Абдуллаев бошқа вазифада ишлаган пайтда амалга оширилган. «Нилуфар» савдо марказига тегишли бўлган трубалар ва угольниклар эгасига қайтарилди. Бу ҳақда П.Турсунхўжаевдан тегишли хат ҳам олинди.

Мақолада кўрсатилган меҳмонхона атрофидаги 0,85 га. ер мевали боғ бўлганлиги учун боғ сотилган, ер эмас. Хўжалик меҳмонхонаси эса контурда кўрсатилган 0,15 га. ерга қурилган. Бу ҳақда М.Деҳқонов номли ширкат хўжалигининг 2004 йил 16 декабрдаги умумий йиғилиш қарори ҳамда олди-сотди шартномаси мавжуд. Яна мақолада «Тошкентли гузар» маҳалласи фуқароси Жўрабеков Хуршидбекнинг хати тилга олиб ўтилган. Ҳақиқатдан ушбу боғни Хуршидбек ўғли Равшанбек сотиб олган ва у нақд тўлаган 5,5 млн. сўм ҳисобига харид қилинган гиламлар, стол, стуллар, трактор эҳтиёт қисмлари, рўзғор буюмлари ва бошқа нарсалар ҳисоб фактуралари ширкат хўжалиги бошқаруви йиғилишининг 2005 йил 4 февралдаги қарори билан тасдиқланган.

Мақолада кўрсатилган камчиликлар ва ҳолатлар бўйича туман прокуратураси томонидан ширкат хўжалиги раиси А.Абдуллаев, бош ҳисобчи ҳамда тафтиш комиссиясига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»нинг 175-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, ҳар бирига 78350 сўм миқдорида жарима солинди.

Фарғона вилоят ҳокими
Ш.НУРМАТОВ»

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси янги Дастурида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари, жумладан, ёшлар, аёллар, айниқса, кўп болали оналарнинг манфаатларини ҳимоялаш масаласига алоҳида ўрин берилган ва бу борада аниқ вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулрўх Аъзамова иштирок этган ЎзХДП Тошкент шаҳар ҳамда пойтахт вилояти туман кенгашлари фаоллари билан учрашувда ана шу вазифаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди. Мулоқотда партиянинг ёшлар ва хотин-қизларга оид сиёсатини бутунлай янгидан бошлаш, уни янада самарали олиб бориш лозимлиги таъкидланди. Иштирокчилар партиянинг янги Дастури талабларидан келиб чиқиб, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлашнинг янги йўналишларини белгилаб олдилар.

ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдаги йиғилишида партия дастурий ғояларини кўргазмали ташвиқот воситалари орқали тарғиб қилиш, партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва партия билетларини алмаштиришга тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама этилди.

Шайхонтоҳур туман кенгаши туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Исломобод» маҳалласи маданий-маърифий марказида Мустақилликнинг 14 йиллигига бағишланган байрам тадбирини ўтказди. Қизиқарли концерт дастури билан ниҳояланган тадбирда партиянинг энг фаол аъзоларига Фахрий ёрлиқлар, совғалар тақдим этилди.

Хонқа туманидаги «Ғайрат-энергиячи» болалар оромгоҳида Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашига узоқ йиллар раҳбарлик қилган Ғайрат Машарипов хотирасига бағишланган футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Унда «Хоразм электр тармоқлари» ОАЖ тизимидан 14 та, шаҳар ва туманлардан 12 та ўсмирлар жамоалари ўзаро беллашдилар. Қизғин спорт баҳсларида ҳазорасплик ёш футболчилар ғолибликни қўлга киритди.

Ғузор туман кенгаши ташаббуси билан Гулшан қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи бир гуруҳ меҳнат фахрийлари, партия фаоллари Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларни зиёрат қилиб қайтдилар. Саёҳатни уюштиришга «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси ҳомийлик қилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74; 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

ХАВОТИР ВА АЗИЯТ

Мамлакатимизнинг жанубий ҳудуди Сурхон аҳли орасида хавотирли гап тарқалди. Кишилар ҳадик билан бир-биридан сўрай бошлашди: «Хабарингиз борми, Тожикистондаги алюминий заводига қўшимча блок ўрнатилаётганмиш?», «Завод бугунгидан ҳам кенгроқ миқёсда ишларкан...», «Эй, бу алюминий заводи бошга битган бало бўлди-ку! Шундоғам аҳволимиз танг, табиатимизни расво қилди. Экин-тикинимиздан барака кўтарилди...», «Экин-тикин дейсиз, соғлиқни айтмайсизми? Шу завод туфайли турли хил касалликларга йўлиқяпмиз», «Агар рост бўлса, Тожикистоннинг қайсидир вилоятида яна битта алюминий заводи қурилаётганмиш...», «Нима бало, бизни бутунлай заҳарзаққум тўфонида қолдиришмоқчими?», «Агар яна бир завод қурилса, қолган-қутган боғларимизга ҳам қирон келтираркан-да. Шундоғам жаннати еримиз бўларича бўлди-ку...», «Бунга йўл қўймаслик керак. Фарзандларимиз саломатлиги нима бўлади?», «Анорзорларимиздан айрилдик. Узумзорлар қовжираги. Боғлардан файз кетди. Бу заводнинг турган-битгани офат бўлди-я...», «Эй, нимасини айтасиз, ҳовлимиздаги мол-ҳолимизгача нимжон, касалманд бўлиб қолди-ку...»

Бу оддий одамларнинг гап-сўзлари. Улар орасида пайдо бўлган безовталик, заводдан безиб бўлган халқнинг хавотири эса шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди, деган нақлни ёдга солади. Вилоятнинг Тожикистон Республикаси билан чегарадош шимолий ҳудуди — Сариосиё, Узун, Денов, ҳатто Шўрчи ва Олтинсой туманлари аҳолиси яшаш тарзига алюминий заводи жиддий хавф солиб келмоқда. Кишиларнинг юқоридаги озорли гап-сўзлари, зорланиши эса беҳуда эмас — айни ҳақиқат. Бир пайтлар хушҳаво ва хушманзара бўлган бу жойларнинг ўзига хос табиати, киндик қони тўкилган она-тупроқ саховатини, бетакрор фусун-тароватини одамлар эндиликда ўксиниб эслайдилар. Ҳа, ҳаммасига шу завод сабабчи. Бундан йигирма йиллар илгари Дашнобод анорининг довруғи бутун мамлакатимизга ёйилганди. Пўстлоғи алвон бахмалдай товланувчи, ҳар бири косадай келадиган ичидаги доналари ёқутдай нур таратувчи Дашнобод анорлари чиндан ҳам она-табиатнинг бетакрор мўъжизаси эди. Юртимизда Дашнобод анорини билмаган, ундан ҳайратланмаган одам йўқ эди, ҳисоб. Алюминий заводи мўриларидан ўрлаган заҳарли чиқиндилар Сариосиё анорларини ёппасига қуритиб юборди. Анорлар бужмайиб-қовжираги, қирмизтус, ёқутранг анор доналари қақшаб, кулга айланди. Дахшат, анорни кессангиз, ичидан кул чиқади. Узумзорлар пажмурда, мевалари бужмайиб қолган боғлар ҳам алалоқибат қуриб бормоқда. Хуллас, табиат мувозанати бузилди — тирикликка офат ёпирилди.

Воҳа табиатига шундай кўргуликларни солаётган завод ҳақида яна бошқа гап-сўзлар пайдо бўлганлиги, турли-туман фикрлар айтилаётгани, кишиларнинг тағин таҳликага тушаётгани бежиз эмас, албатта. Кейинги пайтда айрим ахборот манбаларида заводнинг кенгайиши, Тожикистонда буниси етмагандай, яна битта алюминий заводи қуриш учун баъзи бир компаниялар томонидан саъй-ҳаракат бошланаётгани хусусида хабар тарқалмоқда. Бу борада кейинроқ тўхталсак-да, заводдан азият чекаётган мазкур ҳудудда яшаётган одамлар гапига қулоқ тутсак.

ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Дилрабо ДАВЛАТОВА, ўқитувчи, Сариосиё тумани:

– Ҳавомиз заҳарланиб бўлди. Завод мўриларини кечалари очиб юборишади, нафас олишга қийналамиз. Дов-дарахт ҳақида-ку, гапирмай. Уй ҳайвонларини парваришлашнинг ҳам ҳожати қолмаяпти. Қўй-қўзилар кўр, икки бошли бузоқлар туғилаяпти. Сигирларимизнинг тиши тўкилиб кетаяпти.

Н.С., талаба, Сариосиё тумани:

— Нимасини айтайин, кейинги пайтлар чарчаб қолаяпман. Узоқ юролмайман. Тинка-мадорим қуриб кетаверади. Нафасим тиқилади. Яқинда даволаниб чиқдим. Буқоқ касалим бор. Тенгдошларимнинг кўпи шу касалга чалинган. Бу завод бошимизга битган бало бўлди.

Б.К., ишчи, Сариосиё тумани:

— Ўттиз бешга кирдим. Тирноққа зорман, фарзандсизман. Узоқ даволандим. Нафи бўлмади. Яширишнинг нима ҳожати бор — менга ўхшаганлар жуда кўп. Врачлар заводдан чиқаётган зарарли моддалар оқибатида кўпчилик бепушт бўлиб қолаётганини айтишмоқда. Одамзотнинг насл-насабини қуйдираётган бу заводга минг-минг лаънат айтаман.

Панжи ЖЎРАЕВ, пенсионер, Узун тумани:

— Ёшим бир жойга етди. Ҳаётнинг паст-баландини кўрдим. Очиғи, болаларимни ўйлайман. Бу жойда ҳаёт кейинчалик қандай давом этаркин, тасаввуримга сиғдиролмайман. Агар алюминий заводи заҳар пуркашдан тўхтамас экан, кишилар орасида бепуштлик ортаверади. Заводнинг шу ҳолатининг ўзи қанчалаб қулфат келтираяпти. Худо кўрсатмасин, унинг қуввати кенгайса, бу ерларда умуман яшаб бўлмай қолади. Одамларнинг ёстиғини қуритади-ку, ахир. Шу туфайли манфаат кўраман, деган давлатнинг иши золимликдан бошқа нарса эмас. Буни Тожикистон ҳукумати бўладими ёки бошқа бир манфаатдор бой-бадавлат кишилар бўладими, англаб етишиш керак. Пайти келди. Заводни кенгайтириш у ёқда турсин, уни ҳавони заҳарламайдиган даражада ишлатиш чорасини кўриш лозим. Йўқса, заводни тўхтатиш керак, вассалом.

Гулшода БЕРДИЕВА, ўқитувчи, Узун тумани:

— Ҳовлимизни сотиб кўчиб кетмоқчи ҳам бўламиз, гоҳида. Нима қилайлик? Бошимиз қотиб қолди. Фарзандларимиз улғаяяпти. Ким ўз боласини заҳар-заққум ютиб, ногирон бўлиб қолишини истайди. Агар шу кетишда давом этаверса, бу уйларнинг 2-3 йилдан кейин ҳеч кимга кераги бўлмай қолади. Бошингиздан заҳар ёғиб турганда соғ-саломат яшашингизга кўзингиз етадими?

Темур ЧОРИЕВ, пенсионер, Узун тумани:

— Эрталаб туриб қарасангиз, идишдаги сув юзини ҳам занг қоплаб ётади. Юз-кўзингиз, димоғингиз ачишади. Худди атайлаб тепангиздан кимдир дори сепиб кетганга ўхшайди. Шамол эсган кечалари алюминий заводи бор заҳрини ҳавога пуркайди.

Зоир МАМАЖОНОВ, «Чағониён» газетаси Бош муҳаррири, Денов тумани:

— Тожикистон алюминий заводи Сурхондарё ҳудудининг деярли тенг ярмига жиддий зарар етказаяпти. Завод чиқиндиси таркибида водород фторид моддаси ҳаддан зиёд кўп. Бунинг турган-битгани заҳар. Энг ёмони, кишилар соғлиги хавф остида қолмоқда. Айниқса, болалар ўртасида эндокрин ва модда алмашинуви, рахит, асаб, нафас олиш органи, бўғим ва суяк хасталиклари кўпайиб бораяпти. Заводнинг оғули ҳамласида қолган ҳудудлардаги 14-15 ёшгача бўлган болаларда бир неча хил касалликларни учратиш мумкин.

Менгали ХЎЖАМҚУЛОВ, ўқитувчи, Шўрчи тумани:

— Заводдан чиқаётган заҳар натижасида кислотали ёмғир ёғмоқда. Мана, қаранг. Манави ўрик дарахтларининг барглари илма-тешик бўлиб, қовжираб қолган. Меваси буришиб кетди. Осмонни қоплаган турли хил зарарли моддалар бошимиздан офат бўлиб ёғилмоқда. Мутахассислар яхши билишади, ҳаддан зиёд кўп миқдорда заҳарли моддалар чиқарадиган улкан заводлар жойлашган ҳудудларда кислотали ёмғирлар ёғади. Кейинги икки йил ичида шу ҳолат айнан кузатилмоқда.

Руломжон АБДУРАҲМОНОВ, ишчи, Олтинсой тумани:

— Эрталаб димоғингиз ачишиб уйғонасиз. Ичингиздан зардоб келади. Бу ўлат бизнинг тоғ қишлоқларга ҳам етиб келди. Кейинги пайтларда одамлар саросимага тушиб қолди. Сурхондарёнинг нафас йўли — Вахшивор тоғларига ҳам заҳар қуюн ўрлаяпти.

Хушвақт ХОЛЛИЕВ, Қумқўрғон тумани марказий шифохонаси бош врачи:

— Заводдан тарқаётган зарарли моддалар таъсири яққол сезилмоқда. Сурхон воҳасининг шимолий қисми аҳолиси ўртасида юқумли, паразитар касалликлар тури кўпаймоқда. Янги пайдо бўлган ўсимталар, ички секреция безлари, овқатланиш ва модда алмашинувининг бузилиши, қон ва туғма анология касалликлари тобора

ЭКОЛОГИК ТАҲДИД: Бонг

ОСМОНГА ЎРЛАГАН ОҒУ

ЁХУД АЛЮМИНИЙ ЗАВОДИНИНГ ЮРТИМИЗ ТАБИАТИГА ХАВФ СОЛАЁТГАНИ ВА УНИНГ АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРИ ХУСУСИДА



кўпайиб бораяпти. Вилоятнинг бошқа туманларига қараганда, Тожикистон Республикаси билан чегарадош, алюминий заводидан азият чекаётган Сариосиёда турли хил касалликка чалинган болалар сони икки баробар кўплиги аниқланди. Ҳар бир сариосиёлик болага бир неча хил касаллик тури тўғри келаётганидан кўз юмолмаймиз. Аниқ ҳисоб-китоб ва таҳлилларга қараганда, туманда 1991 йилда 107974 та касаллик қайд қилинган бўлса, 1998 йилга келиб 157502 тага етди, яъни салкам 50 мингга кўпайди. Кейинги етти йил ичида бу рақамни қанча ошганини ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг. Сабаби, заводдан чиқаётган заҳарли моддалар миқдори кейинги йилларда ҳам камаяётгани йўқ. Шунингдек, аёллар ўртасида ички касалликларнинг айрим турлари вилоятнинг марказий туманларига қараганда бир неча баробар ошиб кетди.

Муҳаммади МАМАНАЗАРОВ, Сурхондарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари:

— Завод ҳавога водород фториди, углерод оксиди, азот икки оксиди, олтингугурт ангидридини чиқараяпти. Бу зарарли моддаларнинг ҳаводаги миқдори воҳа табиатини кескин ёмонлашуви, кишилар ҳаётини хавф остида қолишига тўла асос бўлолади. Тожикистон алюминий заводи ҳар йили ҳавога 40 000 тонна заҳарли моддаларни пуркайди. Шундан 400 тоннаси заҳарли водород фторидидир. Айниқса, ёз ойларида турган-битгани заҳар саналган бу модда — водород фториди 1,5-2 баробар кўп миқдорда ҳавога қўйиб юборилмоқда. Водород фторид тирикликка қирон келтиражак энг хавфли газ ҳисобланади. 1994 йилнинг 14 сентябрида Тошкентда Ўзбекистон ва Тожикистон алюминий заводи оқибатида ҳудудда юз бераётган экологик ҳолатни яхшилаш борасида битим имзоланганди. Битим «Тожикистон алюминий заводи салбий таъсир кўрсатаётган ҳудудда экологик вазиятни яхшилаш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида» деб номланган эди. Бу борада, яъни Битимнинг бажарилиши бўйича «1996-2000 йилларда Тожикистон алюминий заводининг экологик ҳолатини яхшилаш бўйича илмий технологик Дастур» ишлаб чиқилганди. Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур Битим асосида тузилган Дастурнинг 5, 6, 7, 9-бандлари бажарилган, бироқ қолган бандлар Тожикистон Республикаси билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлганлиги туфайли бажарилмай қолди. Бундай совуққонлик оқибатида эса Сурхон воҳаси ҳудудида экологик ҳолат дунё ҳамжамияти эътиборини тортар даражада оғирлашиб бормоқда.

ДАҲШАТ ЎЧОҒИ

Тожикистон алюминий заводи Турсунзода шаҳрида, шамолга ўнғай жойда ўрнашган. Завод объекти 341,65 гектарни эгаллаб олган. ТожАЗ ҳудудида 30 га яқин асосий ва ёрдамчи цехлар ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда заводда 13000 нафарга яқин одам ишлайди. Заводни электр қуввати билан Нурек ГЭС таъминлайди. Бу иншоот йилига 517000 тонна алюминий ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Завод кейинги **25 йил ичида 6000000 тонна алюминий хом ашёси ишлаб** чиқарди.

Мана шундай қувват билан ишлаётган завод атроф-муҳитга белгиланган меъёрдан бир неча баробар кўп миқдорда ўта заҳарли чиқиндилар тарқатмоқда. Хулосалар шуни кўрсатадики, мазкур заводдан пастликда, шамол йўлида жойлашган ҳудудларда ҳаёт мутлақо издан чиқиши мумкин. Бу жойларда нафақат одамлар яшашга, балки ҳайвонот ва наботат оламига ҳам дахшатли равишда салбий таъсир кўрсатади.

Алюминий заводидан ўрлаган заҳарли моддалар тўппа-тўғри Ўзбекистон ҳудуди томон оқиб келади. Турли хил кимёвий, айтиш жоизки, инсон ҳаёти учун хавф туғдиражак зарарли моддалар Ҳисор тоғлари бўйлаб ўтган «кичик ҳаво йўллари» орқали Ўзбекистон сарҳадлари тепасида булутдай ёйилиб кетади. «Кичик ҳаво йўлаги» бўйлаб заводнинг 80 фоиз чиқиндиси Ўзбекистон ҳудудига ўтади.

Энди тасаввур қилинг: заводдан чиқаётган 80 фоиз заҳарни юртимизнинг Сариосиё, Узун, Сина ва Вахшивор тоғлари, ўсимлик дунёси ютиб келмоқда. Шундай экан, бу тоғлардаги соф ҳаво, гўзал табиат, яшиллик олами ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Шундай бўлгач, бу ерда экологик ҳаёт издан чиқмайди, деб ким айтади? Ўз ҳудудидаги заҳар манбаи бўлган заводнинг салбий таъсири Тожикистонга деярли умуман сезилмаётган бир пайтда, 300000 нафарга яқин аҳоли яшайдиган чегарадош ҳудуднинг табиати қовжираб, кишилари ўта оғир хасталикларга гирифтор бўлаётган бир пайтда, Тожикистон алюминий заводи ҳақида яна бошқача, кишини сескантирадиган гаплар ғимирлаб қолганига нима қилишингни билмайсан, киши.

ЗАВОД КИМНИНГ ҚЎЛИГА ЎТАДИ?

Ўтган йилнинг кеч кузи, аниқроғи, 2004 йил 22 ноябрь куни «Русский алюминий» («РУСАЛ») компанияси раҳбари муовини Александр Лившиц Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида матбуот анжумани ўтказди. Россияда энг йирик компаниялардан бири, алюминий савдоси бўйича устамон бўлиб кетган компаниянинг кўзга кўринган вакили жаноб Лившиц озгина айёрлик ва фирибгарлик билан нишонни бехато олиб, муддаога кўчди-кўйди: «Алюминий заводининг тақдирини Тожикистон ҳукумати ҳал қилади. Модомики, уни хусусийлаштириш борасида гап борар экан, биз албатта бу жараёнда иштирок этамиз...» деди у.

Хўш, Россиянинг «РУСАЛ» компаниясининг заводни сотиб олишга уринишидан мақсад нима? Нега дабдурустдан Лившиц жаноблари ва компания президенти Олег Дерипаскани заводни хусусийлаштириш масаласи қизиқтириб қолди? Улар Ўзбекистон ҳудудидаги минг-минглаб гектар ерларга қирғин солаётган, юз минглаб аҳолини танг аҳволга солган заводни экологик жиҳатдан сифатли ишлашини йўлга қўйишмоқчими? Ёки уларнинг завод заҳридан жигари эзилиб, оғир хасталикка чалиниб қолган кишиларга жонлари ачишаяптими? Йўқ, албатта. Асло, бундай эмас.

Шу йилнинг февраль ойида эса Россияда бизнес соҳасида обрўли шахс саналган, «РУСАЛ» компанияси президенти Олег Дерипаска Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан учрашгани ва бу учрашув чоғида ТожАЗга тааллуқли масалалар ўртага ташлангани ҳақида рус матбуотида хабарлар тарқатилди.

Шунингдек, «Азия-Плюс» манбаига таянадиган бўлсак, ўтган йилги ўша – матбуот анжуманида «РУСАЛ» компанияси раҳбари ўринбосари Александр Лившиц мазкур компаниядан ТожАЗда яна иккита янги корпус қуриш учун 150 миллион АҚШ доллари сарф-ланажагини баён этади. «Бу эса завод қувватини ошириб, йилига яна қўшимча 100000 тонна алюминий ишлаб чиқариш учун имконият яратади», дейди у. Шунингдек, у Тожикистоннинг Хатлан вилоятида қуввати йилига 200000 тонна алюминий ишлаб чиқарадиган яна битта завод қурилиши режалаштирилаётганини ҳам айтиб ўтади. Бу завод қурилиши учун эса 600000 АҚШ доллари ажратилади. Албатта, заводнинг ишлаши учун гидроэлектростанция ҳам керак бўлади. Шу мақсадда Лившиц Роғун ГЭСи қурилишини ҳам компания ўз зиммасига олганини айтади.

Энди бир хулоса қилинг, жаҳонда учинчи ўринни эгаллаб турган қудратли заводни янада кенгайтириш ва унинг тасарруфида яна битта алюминий заводини бунёд этиш масаласи, мазкур заводдан азоб чекаётган кишиларнинг норизолигига сабаб бўлмайдими? Ҳатто тожикистонлик фуқаролар, зиёлилар ўртасида «РУСАЛ»нинг бу саъй-ҳаракати ТожАЗни ўз назоратига олишига уринишидан ўзга нарса эмас, заводда ишлаётган оддий тожик фуқароларининг эса турмуш тарзи ҳеч қачон ўзгармайди, деган фикрларни ҳам айтишмоқда.

Шундоғам табиати қуриб, кул бўлиб бораётган ҳудудлар учун бу оғир фалокат, албатта. Заводнинг қўшимча корпуслар билан кенгайтириш, янги завод қурилиши кўзда тутилиши ўзбекларнинг «ўлганнинг устига тепган» деган киноямуз гапини ёдга солади. Ён-теварақдаги ҳақиқий аҳволга ачинишдан кўра ўз куч-қудратини орттириш, заводни қўлга киритиш учун ҳар қандай ўйинларни бажаришга қодир қудратли компания соҳиблари учун чегарадош ҳудуд аҳлининг оҳизори сариқ чақачалик аҳамиятга эга эмас, деган хулосага келамиз.

Шу йилнинг 26 август куни «Время-Новости» Россия президенти Владимир Путин Олег Дерипаскани қабул қилгани ва, Дерипаска Россия Президентига «РУСАЛ»нинг Тожикистондаги лойиҳаси борасида сўзлаб бергани ҳақида маълумот берди. Мазкур хабарда айтилишича, компания Тожикистон ҳукумати билан Роғун ГЭС ва алюминий заводи қурилиши бўйича меморандум имзоланган ва ТожАЗни кенгайтириш масаласи ҳам келишиб олинган.

Сал аввалроқ россиялик «алюминий қироли» ўзининг Тожикистонга қилган сафари якунларига кўра берган интервьюсида ушбу мамлакатдаги иккита йирик Роғун ва Санг-ғўда гидроэлектростанциялари қурилишига унинг ширкати РАО ЕЭС билан биргаликда жами 1 миллиард доллар сарфламоқчилигини айтганди.

Хуллас, бизга қўшни бўлган Тожикистон ҳудудида ўрнашган алюминий заводи ҳақида кейинги пайтлар гап-сўзлар кўпайиб кетди. Россия ва Марказий Осиё ҳудудида чоп этилаётган айрим матбуот саҳифаларида бу борада турли хил қарашлар, фикрлар билдирилмоқда. Яна бир хавф пайдо бўлгани жамоатчиликни бефарқ қолдирмаяпти.

Ҳар қандай қурилиш, ҳар қандай иншоот, энг аввало, ўзгаларнинг осойишта ҳаётига, соф табиатига зиён етказмай бунёд этилиши керак. Эзгуликнинг энг муҳим тамойили ҳам шу. Буни россиялик ишбилармонлар ҳам, Тожикистон расмий доиралари ҳам чуқур англасалар яхши бўларди.

Қўчқор НОРҚОБИЛ

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА: ТАКЛИФ, ТАНИШУВ ВА РЕКЛАМА ИМКОНИЯТИ...

Тошкентда тўқимачилик, енгил саноат учун технология ва ускуналар «Текстиль Экспо Ўзбекистон — 2005» иккинчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди

Республикамизнинг тўқимачилик саноатидаги сон ва сифат жиҳатидан ўсиш ички бозоримизни саноат маҳсулотлари билан тўлдирилиши, экспорт миқдорининг ошиши тизимга чет эл инвестициялари жалб этилиши соҳадаги муваффақиятларнинг муҳим омили бўляпти.

Агар 1991 йил республикамизда атиги тўрттагина йирик тўқимачилик комплекси фаолият кўрсатган бўлса, 1995 йилдан бошлаб бу соҳага 800 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестицияси жалб этилди, 44 лойиҳа амалга оширилди, 39 корхона барпо этилди.

Дастлабки қўшма корхоналар иш бошлаган пайтда йилига 10 миллион доллар ҳажмида маҳсулот экспорт қилган бўлса, 2004 йил бу рақам 195,2 миллион долларга етди.

Чет эллик ҳамкорлар учун инвестиция муҳитини янада яхшилашга хизмат қилувчи яна бир ҳужжат — Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг тўқимачилик соҳасига инвестицияларни жалб қилиш чоралари тўғрисида»ги 2005 йил 27 январь қарорига кўра ишлаб чиқилган Дастурда 2005-2008 йилларда мамлакатимизда бу соҳадаги корхоналарни реконструкция қилиш, қайта жиҳозлаш, янгиларини барпо этиш бўйича 94 лойиҳа амалга оширилиб, бунинг учун 1,2 миллиард доллар миқдорида инвестиция жалб қилиш режалаштирилган.

Шу тарика мамлакатимизда етиштирилаётган пахта хомашёсининг қарийб 50 фоизи ўзимизда қайта ишланади.

Шуниси диққатга сазоворки, халқаро кўргазмада бутун дунёда машҳур фирмаларнинг кўпчилиги Ўзбекистондаги қулай инвестиция муҳитидан бохабар, бу ерда уларнинг ҳамкор ва харидорлари бор.

— «RIETER MACHINE WORKS LTD» толадан тайёр калава ип ишлаб чиқиш жараёнигача ишлайдиган линияларни комплект ҳолда етказиб беради, — дейди фирманинг Тошкентдаги ваколатхонаси директори Алишер Раззоқов. — Биз Ўзбекистондаги бир неча тўқимачилик комплексларини жиҳозлаб берганмиз. Ушбу фаолиятимиз мисолида фирманинг нуфузи ошгани туфайли бугунги кўргазмада ҳам янги-янги ҳамкорлар топилишига ишонамиз.

— Ўзбекистонда чет эллик инвесторларга яратиб қўйилган қулай имкониятлар, тайёрланаётган толанинг сифати бизни бу ерда корхона очишимизга сабаб бўлди ва фаолиятимизга ҳали бир йил бўлмасдан туриб, тўғри қилганимизни тушундик, — дейди «ALKIM TEXTIL» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Вадет Заим. — Йилига 4 миллион долларлик тайёр маҳсулот — болалар ва катталар ички кийимларини экспорт қилишни режалаштирганмиз. Асосан, Германия ва голландиялик харидорларимиз буюртмасини бажаряпмиз. Айни пайтда бўяш воситалари ишлаб чиқарувчи корхона барпо этиш лойиҳаси устида ҳам иш бошлаб юбордик.

Уч кун давом этган ушбу халқаро кўргазма қатнашчилари 18 мамлакатдан келган 100 компаниянинг йигириш, тўқиш ва тикиш, бўяш ва пардозлаш ускуналари ва технологиялари, тайёр маҳсулотлар билан танишиш, шартнома тузиш имконига эга бўлдилар.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: кўргазмадан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ФАОЛИЯТ ИЗЧИЛ, ЮТУҚ ҲАМ ЎЗ-ЎЗИДАН...

Эндигина йигирма уч баҳорни қаршилаган Шуҳрат Умаров табиатан сергайрат, ташаббускор ёшлардан. Ўзи ўйлаб қўйган режасини амалга оширмагунча кўнгли жойига тушмайди. У заминга, деҳқончиликка меҳр қўйган. Нишон туманидаги бир йўла учта — «Ҳамид Баратов» (бошлиғи Абдуҳамид Баратов), «Тонг чорва» (бошлиғи Фазлиддин Хушназаров), «Жамшид» (бошлиғи Жамшид Умаров) фермер хўжалигига иш юритувчи раҳбар ҳам.

Мазкур хўжаликлар АТ «Турон» банк Қарши филиалининг ишончли мижозларидан.

— Банк хизматидан кўнглингиз тўлаяптими? — сўраймиз Шуҳрат Умаровдан.

— Биласизми? — деди у мамнуният билан, — банк бизни ва бизга ўхшаганларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келаяпти. Мана, масалан, ҳозир сизлар билан «Тонг чорва» фермер хўжалиги мажмуасида турибмиз. Илгари бу жамоага қарашли ферма жуда қолоқ эди. Зотли моллари қарийб қолмаганди. Биз банк ёрдамида уни хусусийлаштириб олдик. Ҳозир 200 бош қизил эстон зотли сигирларимиз бор. Наслчиликни яхшилаяпмиз. Техника ҳам етарли. Банкдан яқингинада 27,5 миллион сўм кредит олиб, «Олтой» трактори харид қилдик. Айни пайтда ғалладан бўшаган майдонларга экилган маккажўхори пояларидан силос тайёрлаш ишларида шу трактор иш беряпти. Ўтган йилнинг август ойида банкдан 17,5 миллион сўм кредит олиб, чопиқ трактори ва унинг эҳтиёт қисмларини келтирдик. Яқинда яна 21,5 миллион сўм қарз сўрадик, беришди. Ҳозир шу олган кредитларимизни сўндириш ҳаракатидамиз. Мижозларимизга, мактаб ва болалар боғчаларига ҳар куни 200-250 литрдан сут етказиб беряпмиз... 54 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ошириб ғалла тўпширдик. Ўтган йили давлатга 330 тонна сифатли уруғлик пахта сотувдик. Бу йил эса 91 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнерни мўлжаллаб турибмиз...

Фермер хўжалиги пахтазорларидамиз. Гўзалар ўрта бўйли одам билан бўйлашгудек.

— Қаранг, — деди Шуҳратжон шиғил кўсаклару гулларга ишора қилиб...

Санадик. Ҳар бир тупда 40-50 тадан кўсак. Кўпи очилиб ҳам бўлибди.

— Эрта-индин теримни ҳам бошлаб юборамиз. Уруғликни сарасидан танлаганмиз, демак, пахтамиз ҳам сифатли уруғлик бўлади. Ҳосилни давлатга сотиб бўлиб, шу йил охиригача олган қарзимизнинг 26 миллион сўмини сўндирамиз. Ишлаб чиқариш техникамиз етарли. «Ласетти», «Нексия», «Дамас», «Тико» машиналаримиз ҳам бор...

«Азамат» хусусий фирмаси раҳбари Азамат Полвонов ҳам «Турон» банк фаолиятидан мамнунлигини айтди:

— Қисқа вақт ичида 6 миллион 600 минг сўм кредитни бор-йўғи ўн кун ичида расмийлаштириб берди. Ҳозир ўзимизнинг мебель цехимизда ҳар хил ҳажмдаги стол-стуллар ва мактаблар учун парталар ишлаб чиқаряпмиз. Ҳаммаси харидоргир... Олган қарзимизни узиш имконимиз етарли...

Банк томонидан Илҳом Алланазаров бошлиқ «Янгиобод Умакай» фермер хўжалигига ҳам сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш, янги ишчи ўринлари яратиш учун имтиёзли кредитлаш маблағлари ҳисобидан узоқ муддатли 4500,0 минг сўм кредит ажратилди...

«Турон» банк ва унинг филиаллари фаолияти ҳақида бундай ибратли мисоллар жуда кўп. Хусусан, кичик бизнесни ривожлантириш йўлида астойдил саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

— Президентимизнинг 2003 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида илгари сурилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги ғоялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари негизида ўз вазифаларимизни аниқ белгилаб олганмиз, — дейди банкнинг **Қарши филиали раҳбари вазифасини бажарувчи Садриддин Нарзиев.**

МДҲ кардиологлари уюшмасининг V конгресси олдидан

ФАН ЮТУҚЛАРИ ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТИББИЁТ ХОДИМИ, ПРОФЕССОР, ЎзҲДП ФАОЛИ РАВШАНБЕК ҚУРБОНОВ БИЛАН СУҲБАТ

— МДҲ кардиологлари уюшмаси V конгрессининг аҳамияти, нуфузи қандай? Унинг айнан Тошкентда ўтказилишидан мақсад нима?

— Маълумки, дунёнинг ривожланган мамлакатларида юрактомир касалликлари кўп тарқалган бўлиб, у инсонлар саломатлигига жиддий путур етказмоқда. Маълумотларга қараганда, Марказий Осиё давлатларида бу хасталик туфайли содир бўлаётган ўлим Европадагига нисбатан 2,7 марта ошган. Жумладан, Ўзбекистонда турли сабаблар бўйича содир бўладиган ўлимнинг 52,6 фоизи, ногиронликнинг эса 30 фоизи юрактомир касалликларига тўғри келади. МДҲнинг бошқа республикаларидаги аҳвол ҳам бундан катта фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам МДҲ кардиологлари ҳар икки йилда йиғилишиб, бу касалликларни даволаш борасидаги изланишлар, янги услублар, олинган натижалар ва келгуси режаларни муҳокама қилишади.

Демак, конгресснинг нафақат илмий, балки амалий аҳамияти ҳам юқори. Унда республикамизнинг кўпчилик кардиологлари, терапевтлари ва деярли барча кардиожарроҳлар иштирок этиб, юрак-томир касалликларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий ютуқлари билан танишиш ва ўзаро мулоқотлар олиб бориш имкониятига эга бўлишади.

Конгресс «Фан ютуқлари халқ саломатлигини муҳофаза қилиш учун» шиори остида ўтади. У бундан олдин Москва, Бишкек, Олма-Ота, Санкт-Петербург каби кардиологиянинг юқори даражада ривожланган марказларида ўтказилган.

V конгрессга Тошкентнинг мезбон сифатида танлангани бежиз эмас. Кейинги йилларда республикамиз кардиология фани ва хизмати юксалиш босқичига кўтарилди. Президентимиз ташаббуси билан тиббиёт соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар бу борада ҳам улкан бурилиш ясади. Жумладан, мамлакатимиз раҳбарининг Фармони билан 2003 йилда Республика Ихтисослаштирилган кардиология маркази (РИКМ) ташкил этилди. Қисқа вақт ичида марказнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди: 800 млн. сўмга замонавий асбоб-ускуналар келтирилди, 900 млн. сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Ходимларга қулай иш шароитлари яратилди, маошлари 2-3 баробар кўпайтирилди. Натижада кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилди. Энг асосийси, илмий изланишлар ва даволаш сифатини оширишга эришилди. Беморларнинг стационардаги ўлим кўрсаткичи бир неча баробар камайди. Ҳозирги кунда Марказимизда 10 фан доктори, 33 нафар фан номзодлари меҳнат қилмоқда. Кардиологиянинг асосий йўналишларига мос келадиган 7 та ихтисослаштирилган бўлим ишга туширилди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва маҳаллий ҳокимиятларнинг саъй-ҳаракати билан вилоятлардаги кардиология диспансерларининг моддий-техника базаси ҳам яхшиланди. Жумладан, Наманган диспансерига 1 млрд., Қарши диспансерига эса 800 млн. сўм маблағ ажратилди. Кўриниб турибдики, конгресс қатнашчилари ва меҳмонларга кўрсатса арзийдиган ютуқларимиз кўп.

— Ушбу конгрессда қайси мамлакатлар вакиллари, соҳа мутахассислари иштирок этиши кутилмоқда, унда асосан қандай масалалар кўрилади?

— Конгресс ишида МДҲнинг барча мамлакатларидан меҳмонлар қатнашади. Энг йирик делегациялар эса Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Белоруссия давлатларидан келиши кутилмоқда. Шуниси аҳамиятлики, уларнинг орасида дунёга машҳур бўлган олимлар бор. Нобель мукофоти лауреати, Россия кардиология марказининг бош директори, академик Евгений Чазов, Россия кардиологлар уюшмасининг раиси, академик Р.Оганов, Москвадаги кардиология институти директори, академик Ю.Беленков, Санкт-Петербургдаги кардиология институти директори, академик Е.Шляхто, Белоруссия Фанлар академиясининг вице президенти А.Мрочек, Қирғизистон кардиология ва терапия миллий марказининг директори, академик М.Мирраҳимов, Қозоғистон кардиология ва терапия институти директори, профессор А.Джусипов, Киевдаги кардиология институтининг етакчи профессори А.Серенко, Грузия кардиология институтининг директори, профессор Б.Цинамвзгвришвили, Арманистон кардиология маркази директори ўринбосари, профессор П.Зелвеян, Озарбайжон тиббиёт олийгоҳининг кафедра мудири, профессор А.Бахшалиев, Тожикистон ССВ бош кардиологи, профессор З.Раҳимов, Туркманистон тиббиёт олийгоҳининг кафедра мудири, профессор Б.Ходжақулиев ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Туркия, Германия, Руминия, Ҳиндистон ва Эстониядан ҳам етук мутахассислар конгрессда қатнашиш ҳақида ўз истакларини билдиришган. Мазкур конгресснинг кун тартиби ҳам ниҳоятда кенг. Унда «Юрактомир касалликларининг тарқалиши ва уларнинг олдини олиш», «Артериал гипертониянинг ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашишлар», «Юрак аритмияларини ташхис қилиш ва даволашнинг янги технологиялари», «Юрак етишмовчилигининг келиб чиқишига ва даволашга бўлган замонавий қарашлар», «Кардиология муаммолари», «Кардиохирургиянинг янги уфқлари» ва шунга ўхшаш бошқа бир неча йўналишлар атрофлича таҳлил этилади.

— Халқаро конгрессга тайёргарлик ишлари қай аҳволда?

— Аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, конгрессга тайёргарлик ишлари олиб бориш учун нуфузли ташкилий қўмита тузилган бўлиб, унга академик Евгений Чазов бошчилик қилмоқда. Унинг таркибига етакчи олимлар киритилган. Ташкилий қўмита асосан бизнинг Кардиология марказимизда тузилган ишчи гуруҳи билан алоқада иш юритмоқда.

Ҳозирги кунда тайёргарлик ишлари якунига етиб қолди. Конгресс «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида **26-28 сентябрь кунлари** бўлиб ўтиши мўлжалланмоқда. Шу кунгача конгресс қатнашчиларини кутиб олиш, уларнинг ишлаши, дам олиши борасидаги барча юмушлар ҳал қилинди. Ташкилий қўмитага келиб тушган 450 зиёд маъруза тезислари чоп этилди, конгресс эмблемаси ва эсдалик медаллари тайёрланди. Ўзўзидан маълумки, бу ишларнинг барчаси катта маблағ ҳисобига бажарилади. Бунинг учун ҳомийлар ҳам жалб қилинган.

Конгрессга тайёргарлик бўйича халқаро ахборот бериш ва олиш мақсадида МДҲнинг барча давлатлари ва республикамизнинг вилоятлари билан икки томонлама алоқалар ўрнатилган.

— Бу каби йирик халқаро анжуман бундан аввал ҳам юртимизда ўтказилганми? Шунингдек, Ўзбекистон кардиологлари уюшмасининг қўлга киритган ютуқлари, амалга оширган ишлари ҳамда кардиология фани олдида турган муаммолар ҳақида ҳам маълумот бермасангиз?

— Собиқ иттифоқ даврида ҳам турли даражадаги анжуманлар ўтказилган эди. Лекин бу борадаги туб бурилиш мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг бошланди. Ибн Сино Ватанидан етишиб чиққан улуғ олимларнинг ворислари бўлган бугунги шифокорлар эришаётган ютуқлар, тиббиётни ислоҳ қилишдаги ўзбек модели халқаро миқёсдаги қизиқишларни кучайтириб юборди. Шунингдек, конгресс ўтаётган ушбу йилимизда тиббиёт фанининг асосчиси Абу Али ибн Сино ҳазратлари таваллудига 1025 йил тўлади.

Ўтган вақт ичида республикамиз кардиологлари жуда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Илк бор юрак-томир касалликларининг республикамизда тарқалганлик даражаси ўрганилди.

Унга кўра 40 ёшдан ошганлар орасида артериал гипертония 26 фоиз, юрак ишемик касаллиги эса 11 фоиз учраши аниқланди. Шунингдек, аҳолининг 1 фоизи миокард инфаркти билан касалланиши ҳам қайд қилинди.

Бу касалликларга олиб келувчи асосий омиллар ҳам ўрганиб чиқилиб, эркакларнинг 50 фоизи, аёлларнинг 3 фоизида тамаки чекиш одати мавжудлиги аниқланди. Ҳар тўрт фуқаронинг бирида қондаги ёғсимон (липид) моддаларнинг миқдори ошганлиги ҳамда ҳар 8 фуқародан бирининг вазни ошиб кетганлиги қайд қилиниб, уларга қарши чора-тадбирлар ва илмий тавсиялар ишлаб чиқилди. Масалан, Тошкент шаҳридаги битта корхонада профилактика ишлари олиб борилганидан сўнг чекувчилар сони 8,6 фоизга, вазни оғирлар сони эса 2,1 фоизга камайди. Бундай ютуқ ўз навбатида артериал гипертония ва юрак ишемик касаллигининг ишчилар орасида 1,6 баробар камайишига олиб келди. Даволаш жараёнини такомиллаштириш республика бўйича миокард инфаркти оқибатида содир бўладиган ўлимни деярли 2 баробар камайишига олиб келди.

Республикамиз олимлари фундаментал илмий изланишлар борасида ҳам катта ютуқларга эришди. Чунончи, кимёгарлар билан биргаликда ўсимликлар ва бошқа моддалардан 10 хил дори-дармон синтез қилиниб амалиётга жорий этилди. Аллапинин, аклезин номли юрак аритмияларини даволашда юқори самарадорликка эга дорилар яратилиб, ҳатто хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Шуни яна бир бор таъкидлаш керакки, РИКМ тузилгандан кейин илмий изланишлар олиб бориш ва аҳолига кардиологик ёрдам кўрсатиш жараёнида янги бурилиш юзага келди.

Марказимизда юрак-томир касалликларининг диагностикаси ва даволаш стандартлари ишлаб чиқилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари ва Москва кардиология маркази олимлари экспертизасидан ўтказилди. Шу туфайли кейинги 2 йил давомида клиникамизда миокард инфаркти оқибатида содир бўладиган ўлим 3 баробарга камайди, энг оғир турдаги артериал гипертония, юрак аритмиялари, юрак етишмовчилиги ва юрак ишемик касалликларини даволаш самарадорлиги кескин ошди. Хасталикни аниқ ташхислаш даражаси ошди. Бугун марказимизда замонавий эхокардиография, тредмил-тест, қон босими ва юрак ритмини суткалик мониторлаш, замонавий биохимёвий текшириш асбобларидан фойдаланилмоқда. Ундан ташқари беморларга етарли даражада шароитлар яратилди.

Марказимизда энг замонавий, юқори технологияга асосланган даволаш имконини берадиган асбоб-ускуналар ўрнатиш учун махсус бўлимлар ташкил қилинди ва уларда фаолият кўрсатадиган кадрлар Россия, Исроил ва бошқа хорижий давлатларда малака ошириб келишди.

Суҳбатдош:
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

БОЛТИҚ ОРҚАЛИ ЕВРОПАГА

Россия ва Германия Россиядан Болтиқ денгизи орқали Европага газ қувурини ўтказиш ҳақидаги келишувни имзолади.

Шимолий Европа газ магистрали қурилиши ҳақидаги келишув Германиянинг E.ON ва BASF ҳамда Россиянинг «Газпром»и ўртасида имзоланди.

Виборг шаҳрини Грайфсвальд билан боғлайдиган газ қувурининг узунлиги 1,2 минг километрни ташкил этади. Лойиҳанинг умумий қиймати эса 5,7 миллиард долларга тўғри келади.

Бундан олдинроқ Польша президенти Александр Квасьневский Германияга бу лойиҳа борасида ўз норозилигини билдирганди. Варшавадаги сиёсатчилар лойиҳанинг амалга оширилиши Россия энергия манбаларини Польшани четлаб ўтиб, тўғри Ғарбий Европага йўналтирилиши, мамлакатни нефть ва газсиз қолдириши мумкинлигидан хавотир олишмоқда.

НАТИЖАЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИШГА УРИНИШ

Мисрда президентлик сайлови бўлиб ўтди. Сайловда ўз номзодини қўйган Айман Нур бўлиб ўтган сайлов натижаларини бекор қилишга чақирмоқда. Унинг фикрича, сайлов пайтида қонунбузарликлар рўй берган.

Гхад («Эртага») либерал партияси вакили, 40 ёшли ҳуқуқшунос Айман Нур сайлов комиссиясига ариза жўнатишини, керак бўлса, ишни судгача олиб боришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Айман Нур сайлов жараёнида сайловчиларни қўрқитиш ва битта сайловчининг бир неча марта овоз бериши каби ҳоллар юз берган, деб даъво қилмоқда.

XORIJDA

ҚУРҒОҚЧИЛИК САБАБ...

Дунёдаги бир қанча инсонпарварлик ташкилотлари Африка қитъасида яшовчи аҳоли яқин келажакда очликка гирифтор бўлиши мумкин, деб огоҳлантиришмоқда.

БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури вакиллари бунга 1992 йилдан бери кузатилмаган қурғоқчилик сабаб бўлади деган фикрда.

Oxfam ташкилотининг маълумотларига кўра, очлик Малави, Замбия, Зимбабве ва Мозамбикда яшайдиган 10 миллион кишига таҳдид солиши мумкин.

ЯНА «РАНГЛИ ИНҚИЛОБ» БЎЛАДИМИ?

Украина президенти Виктор Юшченко бош вазир Юлия Тимошенко бошчилигидаги ҳукуматни истеъфога чиқариб юборди. Янги ҳукумат таркибини шакллантиришни эса ўз маслақдоши Днепропетровск область давлат маъмурияти раиси Юрий Еханурнов зиммасига юклади.

Украина президенти ҳукумат аъзоларининг бир-бирига бўлган ишончи умуман йўқолгани туфайли қатъий чоралар қўллашга мажбур бўлганини билдирди.

— Бу инқироз ҳукуматда жуда кўп янги шахслар пайдо бўлганига қарамай, улар юритаётган сиёсатда ўзгариш бўлмаётганлигидан келиб чиқди, — дейди Юшченко.

Кузатувчилар охирги пайтда президент ҳукумат ҳамда Миллий хавфсизлик ва мудофаа хизмати, МХМХ ва Давлат котиби, ҳукумат ва Олий Рада ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилиш билан овора бўлиб қолганлигини таъкидлашмоқда.

Ҳукуматдаги зиддиятлар ўтган ҳафтада Давлат котиби Александр Зинченко истеъфосидан бошланди. Зинченко Миллий хавфсизлик ва мудофаа хизмати раҳбари Петр Порошенко, президентнинг биринчи ёрдамчиси Александр Третьяков ва парламентдаги «Бизнинг Украина» фракцияси раҳбари Николай Мартиненко коррупцияга берилиб ваколатларини суистеъмол қилаётганидан норозилиги туфайли фаолиятини тўхтатишга қарор қилганини маълум қилди. Айблов қўйилган барча мансабдор шахслар уларни асоссиз, деб ҳисоблашмоқда. Украина Хавфсизлик хизмати эса ушбу масалани кўриб чиқиш учун махсус гуруҳ тузилганлигини маълум қилди.

Украина президенти сайлов пайтида энг яқин маслақдоши бўлган Юлия Тимошенкони ҳам танқид остига олди. Президент «Тимошенконинг ҳукуматдаги фаолияти ўзини кўз-кўз қилиш ва ўз сиёсий кучини кўрсатиб қўйишдан иборат бўлиб қолди», — деб таъкидлади.

Пайшанба куни эрталаб Миллий хавфсизлик ва мудофаа хизмати раҳбари Петр Порошенко ва гуманитар масалалар бўйича бош вазир ўринбосари Николай Томенко истеъфо беришди. Томенко ўз аризасида Порошенко каби коррупционер билан ишлашни хоҳламаётганлигини ёзган бўлса, Порошенко унга қарши қўйилган айбловларни тергов қилиш жараёнига халақит бермаслик учун истеъфо берганини баён этди.

Коррупцияда айбланган ва истеъфо берган Петр Порошенко мамлакат парламенти томонидан депутатлик ваколати ва даҳлсизликдан маҳрум этилди.

— Украина Миллий хавфсизлик ва мудофаа хизмати котиби лавозимида қолишим менга қўйилган айбловларни тергов қилишда босим ўтказишимга имконият беради, деб баҳоланиши мумкинлигини тушунаман. Мен учун қадр-қиммат ва шаън масаласи ҳар қандай лавозимдан устунроқ, — дейди Порошенко.

Собиқ давлат котиби Александр Зинченко каби ҳукумат доирасида авж олган коррупциядан норози бўлиб, истеъфо берган Украина бош вазирининг гуманитар масалалар бўйича ўринбосари Николай Томенко кутилмаганда янги «рангли инқилоб» тайёрлаётгани ҳақида хабар берди. Унинг фикрича, бу сафарги инқилоб амалдорларга эмас, украиналикларга қаратилади. Томенко ҳукуматда бош вазирликни Юлия Тимошенко эмас, балки Петр Порошенко бажариб келган, деб ҳисоблямоқда. — Агар аҳвол ўзгармай қолаверса, Украина жуда ҳам мураккаб ички сиёсий, иқтисодий ва геосиёсий вазиятга тушиб қолади, — дейди у. Қисқа қилиб айтганда, Томенко ҳукуматни тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслардан тозалашни талаб қилди.

Кеча Украина ҳукуматидаги яна икки мансабдор истеъфо бергани маълум қилинди. Давлат резерви раҳбари Виктор Бойко ва Божхона қўмитаси раҳбари Владимир Скомаровскийлар эгаллаб турган вазифаларидан озод этилишини сўрашган. Украина Хавфсизлик хизмати Скомаровскийни «коррупция ва контрабанда» ҳаракатларида айблаб, жиноий иш қўзғатди.

Украина давлат раҳбари мамлакат ҳукумати аъзоларининг ўзаро зиддиятлари жиддий сиёсий оқибатларга сабаб бўлиб, давлат обрўси ва шаънига путур етказганлигини таъкидлаб ўтди. Президент ҳукумат фаолияти яхшиланиши учун бундан кейин ҳам қатъий чоралар кўришини айтди.

Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди, деган гап бор. Президент Юшченконинг ўзаро муносабатларни аниқлаштириш ҳаракатларини тўхтатиш борасидаги уринишларига қарамай «рангли инқилоб» ҳукуматни таназзулга учратаётгани очиқ айтилмоқда. Чунки президент Юшченко ҳукумат тепасига келганига бир йил бўлмасданоқ украиналиклар собиқ СССР парчалангандан бери кўрган қийнчиликлардан кўпроқ муаммоларга дучор бўлишди. Шу ўринда биргина газ, бензин, шакар каби маҳсулотлар борасида юзага келган тақчилликни айтиб ўтиш кифоя.

Хуршид РАУПОВ

Шарҳ

ИРОҚ:

САБР-ҚАНОАТ — ТИНЧЛИККА КАФОЛАТ

Бугунги кунда Ироқ дунёдаги энг нотинч жой бўлиб қолди. Портлатишлар, панадан ўққа тутишлар, гаровга олишлар ва бошқа кўринишдаги террористик хуружлар кунда-кунаро бўлиб турибди. Турли сиёсий гуруҳлар ўртасидаги қарама-қаршилик барҳам топгани йўқ. Улар ҳамон муроса йўлини излашяпти, доимий ҳукуматни ҳамда парламентни шакллантириш, конституцияни қабул қилиш имкониятларини муҳокама қилишяпти. Муваққат ҳукумат вазиятни тўлиқ бошқара олмаяпти. Ички низолар оқибатида кўплаб тинч аҳоли қурбон бўлмоқда.

Хабарингиз бор, шу йил январь ойининг охирида мамлакатда Миллий ассамблеяга сайлов бўлиб ўтди. Унда шиалар, суннийлар ва курдлар алоҳида-алоҳида сиёсий кучлар сифатида иштирок этишди. Сайловнинг тартибли равишда уюшқоқлик билан ўтиши кўпларда шубҳа туғдирган бўлса-да, унда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 58 фоизи иштирок этганлиги жаҳон жамоатчилиги томонидан ижобий баҳоланди. Шунингдек, сайловнинг демократик тамойиллар асосида ўтганлиги айрим хорижий давлатлар томонидан эътироф этилди.

Расмий маълумотларга кўра, сайловда шиаларнинг Оятилло Али ас-Систоний бошлиқ «Ироқ миллий иттифоқи» блоки 48 фоиз овоз олиб, Миллий ассамблеядаги 275 ўриндан 130 тасини қўлга киритди. Курдлар манфаатини ифодалайдиган партиялар жами 26 фоиз овоз олиб 69 ўринга эга бўлдилар. Бош вазир Айяд Алауи блоки 23 фоиз овоз олиб, 37 ўрин билан кифояланди. Демак, ҳозирги ҳукумат халқнинг ишончига сазовор эмас. Суннийлар Саддам Ҳусайн даврида давлатни ва ҳукуматни бошқарган бўлсалар, бу сафарги сайлов натижаларига кўра энг охирги ўринга тушиб кетдилар. Шиаларнинг Миллий ассамблеяда мутлақ кўпчиликни ташкил этишларига эса атиги саккиз ўрин етмади. Шунга қарамасдан улар ҳукуматни бошқариш имкониятига эга бўлдилар.

Мана олти ойдирки, қарама-қарши кучлар ўртасидаги мунозара асосан Ироқнинг конституцияси устида боряпти. Олдин АҚШ томонидан тайинланган вақтинчалик бошқарув кенгаши аъзолари иштирокида вақтинчалик конституция имзоланди. Баъзи бир арбоблар буни «тарихий воқеа» дейишса, айрим сиёсатчилар «демократия сари йўл» деб баҳолашди. Вақтинчалик ҳужжатда ислом қоидалари билан либерал-демократия қадриятлари маълум даражада уйғунлаштирилди. Бироқ унда шариатнинг таъсир даражаси, жамиятда ва сиёсатда аёлнинг ўрни, курдларга мухторият бериш каби масалалар ўз ечимини топмади. Ҳужжат вақтинчалик аҳамиятга эга бўлганлиги учун кўп масалалар ойдинлаштирилмади. Бироқ доимий конституция устида иш олиб бориш учун йўл очилди. Томонлар доимий конституция сайлов органи иштирокида умумхалқ овоз бериши йўли билан қабул қилиниши керак, деган қарорга келишди.

Ўтган июль ва август ойлари бутунлай янги доимий Конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва томонларнинг розилигини олиш ва унинг маъқулланишига эришишга бағишланди. Бу иш билан Миллий ассамблеянинг махсус қўмитаси шуғулланди. Асосий қонун лойиҳасининг айрим қоидалари жиддий мунозараларга сабаб бўлди. Айниқса, давлат қурилиши, диннинг ўрни ва роли, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, нефтдан тушадиган даромадни тақсимлаш масалаларида тортишувлар тўхтамади. Ниҳоят, давлат қурилиши масаласида муросага эришилди: давлатнинг номи олдингидай Ироқ Республикаси деб аталадиган бўлди.

Бироқ давлат қурилиш федератив асосга эга бўлиши керакми-йўқми деган масала ҳали ўз ечимини топгани йўқ. Мамлакат аҳолисининг олтмиш фоизини ташкил этадиган шиалар федератив тизимни маъқуллашяпти. Улар марказда ва мамлакат жанубида шиаларнинг ўзига хос мухториятлари бўлишини истайдилар. Федератив тизимни курдлар ҳам қўллаб-қувватлаяпти.

Банк бўлими томонидан 2005 йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес субъектларини ривожлантириш йўлида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Бу борада жами 177000,0 минг сўмлик кредит берилди. Шундан: 151000,0 минг сўми қисқа мудатли ва 26000,0 минг сўми эса узоқ муддатли кредитлар бўлди. Улар иқтисодиётнинг реал секторга — яъни, 26000,0 минг сўми қишлоқ хўжалигига, 135000,0 минг сўми савдо воситачилигига ва 16000,0 минг сўми эса бошқа тармоқлар: саноат ҳамда қурилиш соҳаларига ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги **«Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори талаблари асосида ҳам муҳим ишларга киришилди. Жумладан, нақд пул маблағларининг банк кассаларидан ташқари айланмаларини қисқартириш мақсадида йирик савдо айланмасига эга бўлган 6 та савдо ташкилотларига терминаллар ўрнатилди. Жисмоний шахслар учун 600 дона пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Коммунал тўловларнинг вақтида тўланиши учун аҳолига қулай жойларда кассалар ташкил этилди. Ҳозирги кунда банк бўлимининг 1 та жамғарма ва 2 та коммунал тўловларни қабул қилиш кассалари мунтазам ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Банклардаги депозит ҳисоб варақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»**ги қарори талабларига кўра Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли бюджет ташкилотлари ва маҳаллий бюджет муассасаларига ҳамда мониторингга олинган корхоналарга намунали хизмат кўрсатилиб, улар доим нақд пул билан таъминланиб келинаяпти. Ҳозир банк бўлимига қарашли мавжуд бюджет ташкилотлари ва мониторингга олинган муассасалар ҳамда омонатчиларнинг биринчи талабларидаёқ нақд пуллар бериб борилмоқда. Бирор корхона ёки ташкилот йўқки, иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликлари мавжуд бўлса...

Пул-кредит сиёсати соҳасида бу ерда бир талай ташкилий режалар, тадбирлар ишлаб чиқилган, мутасаддиларга аниқ вазифалар юкланган. Пул тушумига эга бўлган корхона ва ташкилотлар билан мунтазам ҳамкорлик ўрнатилган.

Мухтасар айтганда, банк жамоасининг фаолияти изчил ва барқарор. Ана шу икки омил ижроси бор жойда ютуқ ҳам ўзўзидан муқаррар.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

БАРҚАРОР БЎЛСА

ЁХУД АТ «ТУРОН» БАНК ҚАРШИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИНИНГ ИБРАТЛИ ИШ ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР

— Хусусан, банк капитал базасини мустаҳкамлаш, корхоналарга, муассасаларга, тадбиркорларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, халқаро молиявий ташкилотларнинг кредит линиялари ҳисобидан маблағ ажратишни янада фаоллаштириш диққатимиз марказида турибди. Айниқса, экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш, уларни иложи борича маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқариш ва сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш — фаолиятимиз кўламига кирган муҳим вазифалардан...

Филиал жамоаси 2005 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган №1448-сонли **«Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида»**ги низомига асосан ғалла етиштириш учун — 9493,8 минг сўм ва пахта ҳосилини учун 212237,8 минг сўм кредит ажратган. Бундан ташқари фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз маблағлари ҳисобидан ҳам 26000,0 минг сўмлик кредит белгилаган. Улар асосан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва техникалар сотиб олиш учун йўналтирилган бўлиб, асосий эътибор қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратишга қаратилаяпти.

t

Биз билган ва билмаган тарих

БОБУРНИНГ ДИПЛОМАТИК МАҲОРАТИ

Бобур гарчи Шоҳбегимнинг қилмишини яхши билса-да, унга бўлган аввалги муносабатини мутлақо ўзгартирмайди, қандай муомала қилган бўлса, шу зайлда иш тутади. Шу ҳолатнинг ўзи ҳам темурийлар саройидаги дипломатик тартиб, низом ҳамда ёзилмаган қоидалар нечоғлик қатъий ва бузилмаслигини англатган: *«Шоҳбегим ва хоним бир ўлтуруб эдилар.* ***Доимғи ерда тушуб, келиб бурунғидек кўруштум, Шоҳбегим ва хоним беҳад ва беқиёс музтариб ва мунфаил ва сарафканда ва хижил бўлубтур, не маъқул узр айта оладурлар, не мушфиқона сўрмоқ тарғинг сола оладурлар, булардин тамаим мундоқ эмас эди.*** *Мирзохон худ Шоҳбегимнинг туққон набираси, кеча ва кундуз бегим қошида, булар сўзларига кирмаса, Мирзохонни қўймай ўзларининг қошида сахласа худ бўлур эди».*

Бобур Шайбонийхонни Кобулга юриш қилишининг олдини олиш учун Қандаҳорни эгаллайди. У ерда жуда катта ўлжани қўлга киритган Бобур салтанат низомларини жорий этаман деб турганида, беклар беги Қосимбек уни бу фикридан қайтишини маслаҳат беради. Дастлаб Бобур бунга қўшилмаса-да, кейинроқ мулоҳаза қилиб, бу содиқ бекнинг таклифига рози бўлади.

Қосимбек ва Бобур ўртасида бўлиб ўтган бу музокарага бемалол дипломатик даража берса бўлади. Бунда ҳарбий тактика ҳам, муҳорабаларни Бобур томонидан етти ўлчаб бир кесиш тарзида олиб борилиши ҳам мавжуд: ***«Қосимбек чун ҳисоб билур киши эди, Қандаҳор навоҳисида кўп тураримизни салоҳ кўрмай, айта-айта муҳассиллиқлари била кўчурди.*** *Олти-етти кундин сўнг Носир мирзонинг навкарларидин бир киши Шайбоқхон келиб қабағонининг хабарини келтурди... Шайбоқхон Ҳиридин тоғ йўли била мени Қандаҳорда хаёл қилиб, Қандаҳор устига илғар,* ***ушмуни мулоҳаза қилиб, Қосимбек тажрибалиқ киши муҳассиллиқлар била Қандаҳордин бизни кўчирди.***

Ҳар чи дар оина жавон бинад,
Пир дар хишти пухта он бинад»

(Мазмуни: Ёш киши ойнага қараб нимани кўрса, кекса одам ғиштга қараб ундан ҳам яхшироқ кўради).

Агарчи Бобур Қандаҳордаги жангда ғолиб келган бўлса ҳам, Кобулда сиёсий мавқеи таҳлика остида эди. Чунки Шайбонийхон Хуросон мулкига эга бўлган, у ерда қулоқ эшитмаган ишларни қилиб, энди Кобул ҳокимиятига кўз тиккан эди. Бобур ёзади: *«Бир мен Кобулда қолиб эдим. Душман бисёр қавий, биз кўп заиф, не маслаҳат қилмоққа эҳтимол, не муқовамат қилмоққа мажол».*

Ана шундай пайтда кишига руҳий қувват бериб, кўнглини кўтарадиган яқинлари туришининг ўзи катта мадад эканлигини гапирмаса ҳам бўлади. Шоҳбегимга шунча яхшиликлар қилган, Кобулга келганида бу юртнинг энг баҳаво ери Паҳмонни унга иноят этган, унинг ўзигагина эмас, ҳатто яқинларига ҳам бу каби мурувватларни раво кўрган Бобурга нисбатан бу аёл яна ёмонлик қилишини қўймайди.

Шоҳбегимнинг Бобурга қарши навбатдаги фитнаси шу эдики, у одамларни ўз тарафига оғдириб, бу муҳорабалардан чарчаган юртни ташлаб Бадахшонга кетишни ташвиқ қилади. Бунинг учун у турли даражадаги кишилар билан мулоқот олиб боради, охир-оқибат унинг хийлалари устун келиб, кўпчилик, жумладан зодагон аёллар унга эргашиб Бадахшонга кетади.

Кўриниб турибдики, Бобур салтанатида аёлларнинг мавқеи, уларнинг парда ортидаги дипломатик муносабатлари таъсири сезиларли даражада бўлган. Гарчи, бу хонимларнинг таъсир доираси жангу жадаллар, муҳорабалар тақдирини тугал ечмаган бўлса-да, зарур пайтда масалани у ёки бу томон манфаатига ҳал қилишда муҳим ўрин тутган. Бунга мисолларни биз Сароймулкхоним (Бибихоним)нинг Амир Темур салтанатидаги нуфузи, Хадичабегимнинг Ҳусайн Бойқаро давлат бошқарувига қилган (асосан салбий) таъсири ва бошқа мисолларда ҳам кўрамиз.

Ўша даврларда хотин-қизлар фақатгина юқори дипломатик муносабатлардагина эмас, балки оддий, оилавий муносабатларда ҳам гаров тариқасида ушлаб қолинган, улар боис томонлар ўз режаларини амалга оширишга интилган. Мана бу мисолда эса мутлақо тескари ҳолатга дуч келамиз. Бунда азият чекувчи аёл эмас, балки бўлажак куёвдир. Лекин ҳар ҳолда келин бўлмиш Татар Гаккарнинг қизи ҳам ўз эрки билан эмас, отасининг хоҳиши билан эрга берилганки, уни ҳам жабрланган қаторига қўшиш мумкин. Бобур ёзади: *«Сешанба куни Чаноб вилоятини Ҳусайн икракка иноят қилиб, Ҳусайн икракка ва Чаноб элига рухсат бердук. Бу фурсатда Саййид Алихоннинг Минучехрхон отлиқ ўғликим, Ҳиндистондин бизни деб юккориғи йўл била келадурганда, Татар Гаккарга йўлиқур.* ***Муни қўймай, сахлаб қизини бериб, куёв қилур.*** *Неча маҳал анинг била эди, келиб мулозамат қилди».*

Қуйидаги мисолда том маънода Султон Маҳмуд мирзонинг қизи икки мухолиф томоннинг бир-бири билан сулҳ хулосасига келишига сабаб бўлганки, бу ўринда шарҳ ва изоҳнинг ҳожати йўқ: *«Султон Ҳусайн мирзо Ҳисорни қабағонда Султон Маҳмуд мирзонинг Хонзодабегимдин бўлғон қизини мунга олиб, ярашиб, Ҳисор устидан қўптилар».*

(Давоми бор.)

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Тўра СУЛАЙМОН



Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради. Шафқатсиз ўлим Ўзбекистон халқ шоири, таниқли публицист Тўра Сулаймонни 71 ёшида орамиздан олиб кетди.

Тўра Сулаймон 1934 йили Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Ёйилма қишлоғида туғилди. 1958-64 йилларда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетида таълим олди. Меҳнат фаолиятини Сирдарё вилоятининг Мирзачўл туман газетаси таҳририятида бошлади. Кейинчалик у «Сирдарё ҳақиқати» вилоят газетасининг масъул котиби бўлиб ишлади. 1972 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлимида адабий маслаҳатчи, масъул котиб бўлиб хизмат қилди.

Тўра Сулаймон сермазмун ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. У ўз асарларида эл-юртнинг эзгу орзу-умидларини ва гўзал инсоний туйғуларни тараннум этди.

Шоирнинг илк шеърий тўплами 1962 йили «Истар кўнгил» деган ном билан босилиб чиққан эди. Шундан буён ўтган вақт ичида унинг йигирмадан ортиқ шеърий тўплами, хотиралари ва насрий асарлари нашр этилди. Улар орасида «Менинг қора кўзгинам», «Сизни излайман», «Интизор», «Мен қайга борар бўлсам», «Сайхун» каби мажмуалари алоҳида ажралиб туради. Айниқса, шоирнинг «Қорасоч», «Ҳамқишлоқларим», «Жаҳонгашта» достонлари XX аср ўзбек шеириятини бойитиш билан бирга, миллий достончилигимиз равнақига муносиб хизмат қилди.

Тўра Сулаймон қўшиқчилигимиз ривожига ҳам муносиб улуш қўшган шоирдир. У мустақиллик йилларида ҳозиржавоб публицист сифатида ўзининг ҳароратли бадиалари, таҳлилий мақолалари билан озодлигимизни, ҳаётимиз ва жамиятимиздаги беқиёс ўзгаришларни тадқиқ этишга муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, унинг устоз шоиримиз Миртемир ҳақидаги хотира асари, «Тўйбоши» очерклар тўплами алоҳида қимматга моликдир.

У қаерда ишламасин, ўзининг бой билими ва ҳаётий тажрибасини халқ ижоди, бебаҳо маънавий қадриятларимиз тарғиботига бағишлади ва кенг жамоатчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозониб келди. Шоир бир умр қадимий Сирдарё бўйларида яшаб, оддий одамлар билан ҳамкор, ҳамнафас бўлиб, уларнинг яратувчилик ишларини куйлаб ўтди.

Тўра Сулаймоннинг адабий ва ижтимоий фаолияти давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, 1999 йили «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвони билан тақдирланган эди.

Ажойиб инсон, бахшиёна шоир ва садоқатли дўст Тўра Сулаймоннинг ёркин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Latif G`ULOMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Email: uzbovozi@sarkor.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 854
6460 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00
Topshirish vaqti — 21.30
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda

Мулоҳаза

ҚУРИЛИШДА ЛИЦЕНЗИЯЛАШ

Халқаро амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, қурилиш соҳасида юқори сифатни таъминлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солувчи шаклларидан бири бу лицензиялашдир

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрда қабул қилинган **«Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»**ги қарорида 6 та низом ва лицензия бериш тартиби аниқ кўрсатиб берилган. Ҳозирги вақтда ушбу тизимдаги муаммолардан келиб чиқиб, қурилиш-монтаж ишларини лицензиялаш тўғрисидаги айрим фикр-мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчи эдик.

Қурилишдаги сифат биринчи навбатда пудратчиларга боғлиқ. Аввалари катта-катта бирлашма, бошқарма ва трестларнинг ўз сифат тизими, назорат бўлимлари, синов лабораториялари, технологиялари мавжуд эди. Қисқаси, бутун бир тизим сифат учун жавоб берарди. Ҳозирга келиб бу ташкилотларнинг аксарияти хусусийлашди, айримлари эса рақобатга дош бера олмай тугатилиб кетди. Натижада уларнинг ўрнида бир қанча кичик корхоналар, хусусий фирма ва ташкилотлар юзага келди. Эндиликда мазкур корхоналар ўз фаолиятини йўлга қўйиб, мамлакатимиз қурилиш бозорига кириб кела бошлади.

Ҳозирда ишлаб чиқариш, савдо, лойиҳалаштириш катта-кичик тадбиркорлар, борингки муайян маблағи бўлган ташкилотлар ва фирмалар пудрат ишлари билан шуғулланмоқда. Улар фаолиятига аралашмоқчи эмасмиз, чунки қурилиш бозорида пудратчилар қанча кўп бўлса, рақобат кучаяди, нарх арзонлашади, бюджетга тушум кўпаяди. Лекин мазкур пудратчилар томонидан қурилган иншоотларнинг сифати, мустаҳкамлиги ва хавфсизлигига ким кафолат беради? Шу ўринда яна бир савол туғилади. Агар ўша фирмаларнинг раҳбарлари қурувчи ёки архитектор бўлса янада яхши, лекин бошқа соҳа эгалари бўлса-чи? Шунинг учун ҳам қурилиш-монтаж ишларига лицензия беришни юқоридаги қарорга киритиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Капитал қурилиш иқтисодиётимизнинг энг муҳим ва долзарб соҳаларидан бири бўлиб, ҳар йили мамлакатимизда жуда кўплаб уй-жой, мактаб, коллеж, лицей, боғча, шифохона ва бошқа турдаги иншоотлар барпо этилмоқда. Бунда мамлакат аҳолисининг хавфсизлиги ва уларнинг манфаатлари ҳимояси ётади. Бу борада қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун лицензия берилиши, бу соҳада давлат томонидан фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун тартибга солувчи асосий механизм ҳисобланади.

Агар қурилиш-монтаж ишларини лицензиялашни, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишни ва давлат қурилиши назорати ишларини бирлаштириб уйғунлаштирсак, бу билан биз айрим фожиали ҳолатларнинг олдини олган бўламиз.

Тўғри, айримлар лицензия беришни бозор иқтисодиёти шароитида яна бир тўсиқ юзага келади, деб ҳисоблаши ёки рақобатни чеклайди, деб ўйлаши мумкин. Лекин бу нотўғри фикр. Чунки бугунги кунда халқаро амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, давлатнинг ушбу тизимдаги қатъий назорати биринчи галда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда асосий роль бўлиб ҳисобланади.

Азамат ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

ЯШИЛ ҚИТЪАГА ЙЎЛ ТОШКЕНТДАН БОШЛАНАДИ

ASIAN CHAMPIONSHIPS UZBEKISTAN 2005





Пойтахтимиздаги «Тошкент теннис маркази»да уюштирилаётган Осиё чемпионати баҳслари ҳал қилувчи паллага кирди. Юртимизда тўртинчи маротаба ўтказилаётган бу йилги мусобақада Япония, Жанубий Корея, Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Қозоғистон, Таиланд сингари ўн олти давлатдан ташриф буюрган энг кучли теннис усталари кортга чиқишмоқда.

Умумий мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур қитъа чемпионатида мамлакатимиз ракеткачилари энг сара таркиб билан иштирок этаётир. Теннис ихлосмандлари Дилшод Саидмуҳамедов, Марсел Ҳамдамов, Дмитрий Иванов, Сайёра Хайрова, Нигора Сирожиддинова, Комила Мирзаалимова, Наргиза Раҳмонова сингари умидли теннисчиларимиз билан биргаликда бир неча йиллик танаффусдан сўнг кортга қайтган моҳир ракетка усталари Олег Огородов ҳамда Ирода Тўлагановаларнинг чиқишларидан ҳам баҳраманд бўлишмоқда.

Бир ҳафтадан буён давом этаётган қитъа чемпионатида кучлилар деярли саралаб бўлинди. Эркаклар ўртасидаги асосий тўр учрашувларида саккиз нафар вакилимиз ғолиблик учун курашга киришганди. Аммо муросасиз кечаётган баҳслар ярим финалига улардан фақат Денис Истомингина йўлланма олди, холос. Мазкур учрашувда ҳамюртимизни жиддий рақиб — 2002 йилги Осиё чемпиони япониялик Гоичи Мотомура қарши олди. Кутилганидек, муросасиз ўтган ярим финал баҳсида иқтидори йилдан йил ўсиб бораётган Денис Истомин ишқибозларга навбатдаги ғалабасини тухфа қилди — 6/4, 6/2. Энди вакилимиз бугун бўладиган ҳал қилувчи учрашувда ярим финалда япониялик Сатоши Ивабучини енгган таиландлик Данаи Удомчокега қарши кортга чиқади.

Чемпионатда қизларимиз йигитларга нисбатан бир мунча муваффақиятли иштирок этишмоқда. Жароҳати туфайли бир неча йил кортдан йироқлашган Ирода Тўлаганова гарчи ярим финалда учрашувларни тўхтатган бўлса-да, у ўзининг юксак маҳорат эгаси эканлигини намойиш этди. Биринчи учрашувда Иша Лаккани(Ҳиндистон)ни 6/2, 6/3 ҳисобларида мағлуб этган Ирода кейинги босқичларда филиппинлик Денисе Ду, қирғизистонлик Ксения Палкиналарга сабоқ бериб, ярим финалга йўлланма олганди. Аммо хитой-тайпейилик теннисчига қарши ўтган ҳал қилувчи учрашувда у финал йўлланмасини бой берди — 4/6, 6/7(6). Мусобақанинг иккинчи ракеткаси Шихо Хисоматсу(Япония)ни уч сет натижасига кўра мағлубиятга учратди — 2/6, 6/1, 6/2. Оқгул бугун финалда хитой-тайпейилик Су-Вей Хсенга қарши кортга чиқади.

Эркин ХОЛБОБО

«ТАВОИС»ДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Қизилтепа туманидаги коллеж-лар сони яна биттага ортди. Мустақиллигимиз тантаналари арафасида туманнинг «Тавоис» ширкат хўжалиги марказида маиший-хизмат касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Коллеж биноси замонавий меъморчилик услубида юқори дид билан қурилган бўлиб, унда ўқувчиларнинг билим олиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Эндиликда қизилтепалик ёшлар шу ернинг ўзида савдо, маиший хизмат, халқаро туризм йўналишлари бўйича касб-ҳунар эгаллашлари мумкин. Ўқув масканидаги 38 та фан кабинети, компьютер, лингафон синфлари, лабораториялар, спорт мажмуи, тоза-озода ошхона ҳамда шинам ётоқхона ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Мазкур коллеж ушбу ўқув йилидан бошлаб 450 ўқувчини ўз бағрига олди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

БУХОРОДА ГУЛЛАР БАЙРАМИ

Бухоро шаҳар ҳокимлиги, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда «Ипак йўли» ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маҳаллалар, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотлар қатнашди.

Эътиборлиси, унда ҳунармандлар, тадбиркорлар, амалий санъат усталари ҳам ўз асарлари билан иштирок этдилар. Ушбу гуллар байрамида Бухоро давлат университети гулсевар жамоа деб тан олинди. Шаҳар халқ таълими бўлими, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси эса кейинги ўринларга сазовор бўлишди.

Даврон БАҲРОНОВ

ТАЙСОН ФУТБОЛ УЧРАШУВИДА

Россия ва Португалия терма жамоалари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати саралаш учрашувида афсонавий боксчи, жаҳон экс-чемпиони Майк Тайсон ҳам иштирок этди. «Локомотив» ўйингоҳида ўтказилган бу ўйинда Тайсон мухлислар эътиборини тортди. Боксчининг бир ёнида композитор Виктор Дробиш жой олган бўлса, бошқа тарафда Михаил Горбачевнинг невараси Ксения Вирганская ўтирар эди. Футболни томоша қилар экан, Тайсон пойабзалини ечиб қўйиб, юмшоқ ўриндиққа жойлашиб, қарийиб 90 дақиқа мобайнида ликопчага уюлган зайтун меваларидан қўл узмай, кайфиятини созлаб ўтирди.

Маълумки Тайсон Москвага «Немирофф» компанияси президенти Яков Грибовнинг таклифи билан келган.

— Москва жуда гўзал ва катта шаҳар, — дейди Тайсон. — Тўғрисини айтганда, менга унча катта бўлмаган, осуда шаҳарлар кўпроқ маъқул келади.

ЦЗЮ БОКС БИЛАН ХАЙРЛАШАРМИКАН?

Жаҳон бокс уюшмаси президенти Хосе Сулейман ҳар доимгидек, чарм қўлқоп усталари соғлиғини муҳофаза қилиш ҳақида қайғуриб келмоқда. У ҳозирда рингга кўтарилаётган спортчиларнинг катта бокс билан хайрлашиш вақти ўтиб кетаётганлигидан ташвишда. Жумладан, у Константин Цзю, Рой Жонс, Эвандер Холифилд, Хулио Сезар Чавес ҳамда Фернандо Варгас каби боксчилар ёшлари улғайиб қолишига қарамай, ҳамон рингни кўзлаётганини хатарли, деб баҳолайди. Шу боисдан, Жаҳон бокс уюшмаси президенти бундай боксчиларнинг ҳар бирига ўзига хос тавсифнома бериб, уларнинг катта спорт билан хайрлашиш вақтлари етганлигини эслатмоқда.

— Ўйлайманки, Константин Цзю маънавий жиҳатдан бокс билан хайрлашишга тайёр, — дейди уюшма раҳбари. — Боиси, у Англияга жанг қилиш учун бораётганда руҳиятида чемпион бўлиш кайфияти сезилмаётгани кўриниб турарди. Ваҳоланки, у биринчи ярим оғир вазндаги энг кучли боксчи бўлиб қолиши керак.

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлик-тижорат «Алоқабанк» ўз акциядорларига шуни маълум қиладики, банк Кенгашининг 2005 йил 5 июлдаги мажлиси қарорига кўра банк томонидан чиқарилган акциялар нақд шаклдан нақдсиз шаклга ўзгартирилди. Бунинг учун банк эмиссия рисоласига киритилган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 2005 йил 10 августда 15-07/088-рақам билан рўйхатга олинди.

АТ «Алоқабанк» акциялари «Капитал-Депозит» МЧЖ депозитарийсида конвертация қилинмоқда.

Акциядорларнинг депо ҳисобидаги нақдсиз акциялари «Капитал-Депозит» МЧЖ депозитарийсида сақланмоқда ва акциядорларга депо ҳисобидан кўчирмалар берилмоқда.

Манзил: *Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Республика Биржа маркази биноси, 2-қават, 30-хона. Телефонлар: 133-24-58, 133-05-96.*

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

АТ «Алоқабанк» томонидан чиқарилган акциялар нақдсиз шаклга ўтказилганлиги муносабати билан Сиз эгалик қилаётган нақд акция сертификатларини банкнинг бош офиси, Амалиёт бошқармаси ҳамда барча филиалларига топширишингизни сўраймиз.

АТ «АЛОҚАБАНК» МАЪМУРИЯТИ

Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитаси Ҳайъати Марказий Кенгаш Ижроқўмининг собиқ аъзоси **Убайдулла Аббосович АБДУРАЗЗОҚОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси собиқ вазир **Убайдулла Аббосович АБДУРАЗЗОҚОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.